

“Шундай кийинаман” деса-ю, ота-она бунга қаршилик билдирса

16:00 / 26.04.2016 3831

САВОЛ: Агар Аллоҳга ишонувчи ота-онанинг қиз фарзанди Аллоҳ буюргандек сатрланишни истаса, яъни фақат юзи ва икки қўлининг билагидан очиқ бўлишни хоҳлаб “Шундай кийинаман.” деса-ю, ота-она бунга қаршилик билдирса, уларнинг қайси бири ҳақ ва шу вазиятда қандай йўл тутиш керак?

ЖАВОБ: Бу савол бир оз тушунарсиҙроқ. Чунки Аллоҳга ишонувчи ота-оналар шаръий кийим қандай бўлишни хусусан аёлларнинг кийими қандай бўлишни билишлари лозим. Қизлари мана шу маънода сатрда юришни истасалар, Аллоҳга ҳамд айтиб хурсанд бўлишлари лозим. Лекин фараз қилиб мана шу саволдаги ҳолат бўлди десак, шариат кўрсатган ишни қилган қиз тўғри қилган бўлади. Ва ана шу иш тўғри эканлигини эхтимол қариликлари сабабли, шариат аҳкомларини яхши ўргана олмаганликлари сабабли ота-оналарига одоб билан тушунтиришлари лозим. Агар Аллоҳнинг айтгани билан банданинг айтгани қарама қарши келиб қолса албатта Аллоҳнинг айтгани мақбул эканлигини ҳар бир мусулмон билиши лозим. Аллоҳ таоло айтганларимизни яхши тушиниб, амал қилишликни насиб айласин.